

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

**Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 336**

**Бабахалов Норбўта Эшназарович**


**ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ  
ҲИСОБИ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ УСЛУБИЁТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
илмий даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий консультант: иқтисодиёт фанлари доктори,  
проф. Б.А.Хасанов.**



**Тошкент – 2023 йил**

## МУНДАРИЖА

|                 |   |            |
|-----------------|---|------------|
|                 | <b>КИРИШ</b> .....  | <b>4</b>   |
| <b>I БОБ.</b>   | <b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ, УЛАРДА ҲИСОБ ЮРИТИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ</b> ..... | <b>17</b>  |
| 1.1-§.          | Ўзбекистон Республикасида транспорт тизимининг ривожланиш истиқболлари ва уларда ҳисоб юритишнинг зарурияти.....                                      | <b>17</b>  |
| 1.2-§.          | Темир йўл транспорти корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилни ташкил қилишнинг назарий масалалари.....                                  | <b>43</b>  |
| 1.3-§.          | Темир йўл транспорти корхоналарида иқтисодий таҳлилни ташкил этишда тармоқ хусусиятлари.....  | <b>53</b>  |
|                 | Биринчи боб бўйича хулоса.....  | <b>63</b>  |
| <b>II БОБ.</b>  | <b>ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ</b> ..                                | <b>65</b>  |
| 2.1-§.          | Темир йўл транспорти корхоналарида харажатлар ҳисобининг айрим масалалари.....  | <b>65</b>  |
| 2.2-§.          | Темир йўл транспорти корхоналарида активлар ҳисобини ташкил этиш масалалари.....  | <b>75</b>  |
| 2.3-§.          | Темир йўл транспорти корхоналарида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳисоби.....   | <b>99</b>  |
|                 | Иккинчи боб бўйича хулосалар.....   | <b>111</b> |
| <b>III БОБ.</b> | <b>ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСЛУБИЁТИ</b> .....  | <b>114</b> |
| 3.1-§.          | Темир йўл транспорти корхоналари самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили.....  | <b>114</b> |
| 3.2-§.          | Темир йўл транспорти корхоналарида рентабеллик даражасини аниқлаш.....  | <b>128</b> |
| 3.3-§.          | Темир йўл транспорти корхоналарининг молиявий барқарорлиги таҳлили.....   | <b>142</b> |
|                 | Учинчи боб бўйича хулосалар .....   | <b>154</b> |
| <b>IV БОБ.</b>  | <b>ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ</b> .....   | <b>156</b> |
| 4.1-§.          | Темир йўл транспорти корхоналарида асосий воситалар ҳисобини такомиллаштириш.....   | <b>156</b> |
| 4.2-§.          | Темир йўл транспорти корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоби.....   | <b>167</b> |

|               |   |            |
|---------------|---|------------|
| 4.3-§.        | Темир йўл транспорти корхоналарида дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари ҳисоби ва таҳлили..... | 184        |
|               | Тўртинчи боб бўйича хулосалар.....  | 192        |
| <b>V БОБ.</b> | <b>ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ УСЛУБИЁТИ.....</b>                         | <b>194</b> |
| 5.1-§.        | Темир йўл транспорти корхоналарининг молиявий ҳолати таҳлили.....                                 | 194        |
| 5.2-§.        | Темир йўл транспорти корхоналарида харажатлар ҳисоби ва таҳлили.....                              | 203        |
|               | Бешинчи боб бўйича хулосалар.....   | 217        |
|               | <b>ХУЛОСАЛАР.....</b>   | <b>219</b> |
|               | <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>  | <b>224</b> |
|               | <b>ИЛОВАЛАР.....</b>  | <b>241</b> |

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобал рақобатнинг кучайиши шароитида барча мамлакатлар ўз иқтисодий салоҳиятидан имкон қадар самарали фойдаланишга интилиши натижасида темир йўл транспорти корхоналари фаолиятига талаб сезиларли даражада ўсиб бормоқда. “Жаҳон ялпи ички маҳсулоти таркибида темир йўл транспортининг улуши 4,3 трлн. долларни ёки 6,9 фоизни ташкил этади”<sup>1</sup>. Темир йўл транспорти орқали ташиш иқтисодий ўсишга ёрдам берувчи, йўловчи ва юкларни мамлакатлар ва қитъалар бўйлаб ташишнинг қулай усули ҳисобланиб, халқаро амалиётда темир йўл транспорти йўловчилар ва юкларни ташишнинг мос ва самарали усули сифатида эътироф этилмоқда. Темир йўл транспортининг иқлим ўзгаришларига салбий таъсирининг камлиги, атмосферага кам чиқинди чиқариши, ҳавони кам ифлослантириши, халқаро ташишларда қулайлиги, хавфсизлиги, ривожланишнинг асосий омили эканлиги каби томонлари эътироф этилмоқда.

Жаҳонда олиб борилаётган илмий тадқиқотларда темир йўл транспорти корхоналари ва унинг бўлинмаларининг хўжалик фаолиятини бошқариш учун бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш ва ахборот базасини яратиш, темир йўл хўжалигини бошқариш тизимининг умумий таркибида харажатларни бошқаришнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Темир йўл транспорти ташкилотларида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишни ривожлантириш, тизимда ташқи иқтисодий фаолиятни ҳисобга олишни ташкил этишнинг услубий жиҳатларини ўрганиш, молиявий ҳисоб-китоблар ҳисобини ривожлантириш, молиявий натижанинг таркибий-мантиқий моделини оптималлаштиришнинг услубий жиҳатлари, темир йўлнинг таркибий бўлинмаларида иқтисодий таҳлил назарияси ва амалиётини ишлаб чиқиш ҳамда темир йўл транспорти ташкилотларида харажатларни

<sup>1</sup> <https://index1520.com/analytics/preimushchestva-zheleznodorozhnogo-transporta/>.